

# ОЛТИАРИК ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БУЛИМИ ТЕРГОВ БУЛИНМАСИ

2003 йил 30 октябр.

Чикиш № 1931

Олтиарик тумани.

Маргилон шахар Зухро кучаси 31  
уй 31 хонадонда яшовчи фукаро  
М. Тоёсибоевага.

2003 йилнинг 20 август куни Олтиарик туман прокуратураси биноси олдида Сиз, фукаро М.Отакулова ва бошкалар томонидан уюштирилган рухсат этилмаган намойиш вактида Сизга, шунингдек М.Отакуловага нисбатан фукаролар томонидан «ЕНГИЛ» тан жарохатлари етказлганлиги холати юзасидан, 2003 йилнинг 2 сентябр куни Олтиарик тумани ИИБ тергов булинмаси томонидан Узбекистон Республикаси ЖК-нинг 277-моддаси 2-кисми «б» банди аломатлари билан 20330117-сонли жиноят иши кузгатилиб, дастлабки тергов харакатлари олиб борилган.

Тергов давомида ходиса содир булган куни Сизга ва М.Отакуловаларга нисбатан фукаролар М.Тухлиева, М.Машрапова, М.Гиёсиддинова, Кумуш Каюмова, Кумри Каюмова, М.Холматова ва Т.Ибрагимовалар томонидан касдан тан жарохатлари етказилганлиги, уларнинг харакатларида безорилик ёки бошка жиноят аломатлари мавжуд эмаслигини назарда тутиб, жиноят иши 2003 йилнинг 30 октябр кунги карор билан, Узбекистон Республикаси ЖПК-нинг 83-моддаси 2-банди асосида тугатилиб, жиноят ишидан, Сизларга касдан тан жарохатлари етказган, номлари юкорида курсатиб утилган шахсларга тааллукли булган кисми материал тарикасида ажратилиб, уларга нисбатан Уз.Р.МЖК-нинг 52-моддаси (енгил тан жарохати етказил) тартибида маъмурий чора куриш масаласини хал этишлик учун 2003 йил 30 октябр куни 1934-чикиш раками билан Олтиарик туман судига юборилган.

Шунингдек, тергов давомида Сиз томондан Маргилон шахар шифохонаси худудида, Олтиарик туман ИИБ ходимлар К.Тошболтаев, А.Давроновларни, шунингдек вилоят СТЭ бюроси эксперти Т.Толиповларни хакорат килганлигингиз холатлари уз тасдигини топган булиб, жиноят ишининг ушбу холатга оид кисми хам материал тарикасида ажратилиб, тупланган материаллар Сизга нисбатан Уз.Р.МЖК-нинг 41-моддаси (хакорат килиш) тартибида маъмурий чора куриш масаласини хал этишлик учун худудга мувофик Маргилон шахар судига 2003 йилнинг 30 октябр куни 1935-чикиш раками билан юборилган.

Сиз томондан Олтиарик тумани ИИБ тергов булинмасига ёзма равишда такдим этган раддиянгиз, унга илова килинган хужжатлар билан бирга шу кунни узида вилоят ИИБ тергов бошкармаси оркали вилоят прокуратурасига хавола этилган.

Жиноят иши буйича кабул килинган карорлар юзасидан эътирозингиз булган такдирда тергов устидан назорат килувчи юкори турувчи прокуратура махкамаларига мурожаат килиш хукукига эгасиз.

Олтиарик тумани ИИБ ТБ терговчиси,  
Милиция капитани: Дуб

У.Лутфуллаев.